



# ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ТЮРКОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал  
Республиканский научно-методический и познавательный журнал

2012 жылдан бастап шығады № 3 (39) 2021 Үш айда бір шығады  
Тамыз – Қазан

## МАЗМҰНЫ

БАУЫРЛАС ЕЛДЕР ҚЫРҒЫЗСТАН МЕН ӨЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАЛАРЫ ТӘУЕЛСІЗДІГІНІҢ 30 ЖЫЛДЫҒЫН ТОЙЛАДЫ.....	4
ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ТӘУЕЛСІЗДІГІНІҢ 30 ЖЫЛ Президент Қасым-Жомарт Тоқаевтың Қазақстан Республикасы Тәуелсіздігінің 30 жылдығын мерекелеуге дайындық туралы айтқан пікірі .....	5
<i>Әмзеева Үрбибі, Тыныбеков Әбдібек</i> ҰЛЫ АБАЙДЫҢ АСЫЛ ӘДЕБИ МҰРАЛАРЫН ГЕОГРАФИЯ САБАҚТАРЫНДА ПАЙДАЛАНУ .....	6
<i>Ф.Х.Рамазонова, М.Ш.Хожиева</i> БҰЛАЖАК ҰҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЭЪТИҚОДИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....	11
<i>Уленгов Р.А., Хузиахметов А.Н., Насибуллоев Р.Р., Яруллин И.Ф</i> НЕКОТОРЫЕ ПОДХОДЫ К ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ОЦЕНКЕ ЛАНДШАФТОВ РЕСПУБЛИКИ ТАТАРСТАН .....	14
ЕГЕМЕН МЕМЛЕКЕТ БОЛҒАНЫНА 30 ЖЫЛ ТОЛЫП ОТЫРҒАН ҚАЗАҚ ЕЛІ ТУРАЛЫ ШЕТЕЛДІК ҒАЛЫМДАРДЫҢ АЙТҚАН ОЙЛАРЫ .....	19
СТРАБОН АНАДОЛЫНЫҢ ТҰҢҒЫШ ЖӘНЕ ЕЖЕЛГІ ДӘУІРДІҢ ЕҢ АТАҚТЫ ГЕОГРАФЫ .....	22
«ТҮРКІ МЕМЛЕКЕТТЕРІ ТӘУЕЛСІЗДІГІНІҢ 30 ЖЫЛДЫҒЫ: КЕШЕ, БҮГІН, ЕРТЕҢ» АТТЫ ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ОНЛАЙН-ЖИЙІН ӨТТІ .....	23
ИРАН ИСЛАМ РЕСПУБЛИКАСЫ ҚҰРАМЫНДАҒЫ ТҮРКІ ТІЛДЕС ХАЛЫҚТАР .....	24
ҚАРАПАПАХТАР .....	26
ШАХСЕВАНДАР .....	28

### Бас редактор:

Есназарова Ұлжалғас Әмзеқызы.

### Редакция алкасы:

Қасейінов Д. Қ., ТҮРКСКОЙ Бас хатшысы

Рутвиль Эврен ТІКА-ның Қазақстандағы өкілі

Зейнеш Исмайл, профессор, Түркия

Дағдұран А., ҚР «Түркі халықтары мәдени  
қорының» президенті

Аламанов С.К., Қырғыз география қоғамы

Президенті, г.ғ.к., профессор

Ниязов Т. З., ҚырҰУ профессоры

Ташов Х., г.ғ.к. (Бұқара МУ кафедра меңгерушісі)

Жылқыбаева Л., Алматы Білім басқарма басшысы

Темірбеков А. Т., г.ғ.к., ҚазҰУ профессоры

Темірбекова Ж. А., ХҚТУ-нің ректоры, асс. Профессор.

Көркемдеуші редактор Сұлтанов С. С.

Техникалық редактор Темірбекова Ж. А.

Компьютерде беттеген Қувагова А. С.

Құрылтайшы: «Географиядан республикалық атаулы мектеп» ЖШС  
Қазақстан Республикасының байланыс және ақпарат  
министрлігінде 16.12.2011 жылы тіркеліп, №11679-жс куәлігі берілді.

### Редакцияның мекен-жайы:

050067. Алматы қ., Б. Әшімов көшесі 347

тел. 8(727) 2 97-35-48, тел/факс 297-35-49.

e-mail: [ataulymektep@mail.ru](mailto:ataulymektep@mail.ru)

«Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналының редакциясына келіп түскен қолжазбалар өңделеді. Редакция жолданған материалдардың сапасына жауап бермейді, материал көшіріліп басылған жағдайда «Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналына сілтеме жасалады.

Теруге 15.09.2021 жылы жіберілді. Басуға 20.09.2021 жылы қол қойылды. Көлемі 60x84/8. Сандық басылым. Таралымы 500 дана.

Журнал «EuroPrint» баспа-полиграфиялық қызмет көрсету орталығында дайындалды. (Шымкент қ. Әйтеке Би көшесі 28А)

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЭЪТИҚОДИ ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Ф.Х.Рамазонова,**

*Бухоро давлат университети,  
Педагогика кафедраси ўқитувчиси.*

*e-mail: @Asadbegim*

**М.Ш.Хоҗиева**

*Ўзбекистон Республикаси,  
Бухоро давлат университети,  
Педагогика кафедраси ўқитувчиси.*

*[Matlubahojieva68@gmail.com](mailto:Matlubahojieva68@gmail.com)*

*Ўзбекистон Республикаси.*

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларни ўз касбига эътиқодли қилиб тарбиялаш олий таълим муассасасидаги таълим тизимининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Албатта, ўқитувчи эътиқодини тарбиялаш ўқув юртида амалга ошириладиган таълим-тарбиянинг мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларига боғлиқ. Улар педагогик компонентлардан саналади. Бўлажак педагог эътиқодини шакллантиришда педагогик компонентларини тўғри танлашни аҳамияти катта.

Эътиқод тушунчаси кенг қамровли бўлиб, ўзида инсоннинг кўплаб ижобий фазилатларини мужассамлаштирган. Профессор Ш.Олимов ўз асарида иймон-эътиқод тушунчалари муштарак ифодалаган. Яъни "... иймон-эътиқод инсоннинг инсонийлигини англатади. Чунончи, иймон-эътиқодли кишида ҳалоллик, диёнат, меҳр-оқибат, саховат, мурувват, виждон, адолат барқарор бўлади<sup>1</sup>".

Эътиқод тушунчасининг мазмуни ўзбек ва рус тилида чоп этилган изоҳли луғатларда атрофлича тавсифланган. Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида куйидагича изоҳланган: ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак<sup>2</sup> ёки қаттиқ ишониш, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш деб таърифланган.

Рус тили изоҳли луғатида маслак, иймон ва эътиқод бир (убеждения мн.) сўз билан ифодаланган<sup>3</sup>. Ёки кейинги сатрларда содиқ, ҳақиқий, чинакам деб изоҳланган. Демак, ўз касбига содиқ педагог, касбининг ҳақиқий устаси, чинакам фидойи ўқитувчи деб тушуниш керак бўлади<sup>4</sup>.

Бугун ҳам бу тушунча ўз мазмун-моҳиятига кўра вафоли ва қадрли ўқитувчи касбини эъзолашни мужассамлаштирган. Эътиқодни шакллантиришни ташкилий шакли деганда ўқитувчи ва талабалар (бўлажак ўқитувчилар; Ф.Р.) жамоасини белгиланган тартибда ва маълум режимда ҳамкорликда ташкил этиладиган ҳамда ўтказиладиган фаолиятларининг ташқи кўри-нишини тушунмоқ керак. Табиат – инсон – жамият ўзаро боғлиқ бўлган ("учбурчак"; Ф.Т.) ҳалқадир. Мазкур ҳалқада тарбия жараёни тўғри ташкил қилинган бўлса, табиат ҳам, жамият ҳам зиён кўрмайди. Чунки эътиқодли инсонлар ҳар иккала компонентга ижобий муносабатда бўладилар.

Қадим замонлардан бери жамиятнинг маънавий ҳаётига фаол таъсир қиладиган эътиқодли тарбиячиларни тайёрлашнинг ташкилий шакллари танланган. Жумладан, бу вазифаларни ёшларга таълим-тарбия бериш масканлари бажарган. Манбаларда қайд этилишича қадимги Бухорода юздан зиёд мадраса фаолият кўрсатган. Бугун ҳам кўҳна ва ҳамisha навқирон Бухоро шаҳрида замонавий ўқув юртлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ташкил этилаётган дарслар ва дарсдан ташқари тарбия соатларида муқаддас анъаналар давом эттирилмоқда.

Эътикод муқаддас туйғу бўлиб, у нафақат дарс давомида, балки бўлажак ўқитувчиларни ўз касбига эътикодли қилиб тарбиялашда синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Педагогика фанидаги қатор мавзулар фалсафа, психология билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамда ўқитувчи эътикодининг муҳим қирраси бўлган “касбга эътикод - муқаддас туйғу”ни (Ф.Р.) шакллантиришда синфдан ташқари ишларни тўғри ташкил қилишни тақазо қилади. Педагогика ўқитувчиси синфдан ташқари ишларнинг ташкилотчиси ва жонкуяри бўлиши лозим.

Касбий эътикодни тарбиялашда педагогикадан ташкил этиладиган синфдан ташқари тадбирларда қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

Биринчидан, талабаларнинг қизиқтирган мавзуларни ўрганиш, танлаш ва ўтказиш шакллари белгилаш. Иккинчидан, талабаларни дарсларда олган билимларини синфдан ташқари тадбирлардаги ғоя ва билимлар мустаҳкамлаши керак. Учинчидан, синфдан ташқари ўтказилган тадбир бўйича талабаларнинг олган таассуротлари асосида иншо ёки ҳисобот шаклида ёзма ахборотлар тайёрлаш, ҳимоя қилишни ташкил этиш фойдадан холи эмас.

Бугун ҳам талабаларда тўғрисиўз ва ҳақиқатни гапириш фазилатларини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш долзарблигича қолмоқда. Гуруҳ мураббийлари томонидан “Бухоро – Шарафли юрт зиёси” номли китобхонлик кечасини ўтказиши талабаларда ростгўйлик фазилатларини мустаҳкамловчи омиллардан бўла олади.

Ўқитувчи касбини танлаган ҳар бир талаба ўз касбига эътикодли бўлиши талаб этилади. Демак, ўз-ўзидан узоқ ўтмишдан бери “ўқитувчи эътиқоди” ёки “эътикодли ўқитувчи” тушунчалари вужудга келди, ривожланди ва такомиллашди. Ушбу жараён эволюцияси давом этмоқда. Албатта, эътикод тушунчасининг талқини тўғрисида муносабат билдириш лозим. долзарб вазифалардан бири ростгўйлик фазилатини такомиллаштиришдир.

Бош вазифа таълим-тарбия шакли ва усулларини тўғри танлашдан иборат бўлади.

Дарс давомида, дарсдан ташқари, суҳбат, реферат тайёрлаш, сўровнома ўтказиш ва бошқалар.

Эътикодли ўқитувчининг сифатлари кўп. Жумладан, у ростгўй бўлмоғи ва рост гапирмоғи лозим.

Рост сўзи сифат бўлиб, биринчидан “тўғри, адил, тик”, иккинчидан эса ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатга асосланган, “тўғри, чин” деб талқин этилган.

Азалдан, ростгўйлик туркий халқлар кадр-қимматини белгиловчи мезонлардан бири бўлиб келган. Бу дунё халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамловчи мезонлардан саналади. Қирғизистон халқ ёзувчиси, жамоат арбоби Ч.Айтматов ҳам халқлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи асарлар ёзган.

“Бугунги кунда халқлар ўртасида вужудга келган кескинликни юмшатишгина тараққийпарвар сиёсат ҳисобланиши мумкин. Дунёда ҳозир бундан масъулроқ вазифа йўқ” (Ч.Айтматов, 6 б.).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ушбу сифатлар рост, ростгўйлик, ростдан, ростчи, ростгўй каби сўзлар орқали ифодаланган (627 б.).

Ростгўй инсон камтар бўлиши тўғрисида ҳам фикрлар билдирилган. Демак, камтар инсон ўзида тўғри сўзлик фазилатини ўзида мужассам этган.

Ростгўй – форсча рост, тўғри гапирувчи маъноларини англатади. Комил инсонларнинг

<sup>1</sup> Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари (монография). – Т.: “Fan va texnologiya”, - 2015, 228 б.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Э ҳарфи) “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашри. Тошкент. 2006-2008. 70 б.

<sup>3</sup> Русско-узбекский словарь. В двух томах. Том II. УСЭ. Ташкент. 1984.

<sup>4</sup> Олимов Ш.Ш., Рамазонова Ф.Х. Талаба-ёшларда касбий эътиқодни мустаҳкамлашнинг педагогик жиҳатлари. Педагогик маҳорат. Илмий-методик журнал. Бухоро. 2020.

муҳим сифатларидан бири ростини, ҳақиқатни сўзловчи одамларга нисбатан қўлланилади. Ҳақиқатдан, олийгоҳларда таълим олаётган бўлажак ўқитувчиларда ростгўйлик фазилатларини тарбиялаш, мустаҳкамлаш бугунги педагогика фанининг долзарб вазифаларидан биридир.

Юқоридаги тушунчалар орасида рост гапириш алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг “илдиз”лари умумтаълим мактабларида вужудга келиши ва шаклланиши, ривожланиши кейинги таълим тизимларида таъминланади. Демак, мактабни битираётган ёшлар бўлажак педагог бўлишни орзу қиладилар ва уни ўзларига касб сифатида танлаётганларида қалбларида меҳр уйғонади. Меҳр туйғуси йиллар ўтган сайин тинимсиз меҳнат натижасида сайқалланади, оқибатда юксак эътиқодга айланади.

Эътиқод тушунчаси мазмунида маънавий-ахлоқий тарбия мужассамлашган. Унинг таркибига ақл-заковат, иймон-эътиқод, хулқ-одоб, ор-номус, меҳр-шавқатлилиқ, поклик-ҳалоллиқ, камтарлиқ, ватанпарварлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик қабилар киритилган. Шулардан бири иймон-эътиқод тушунчасининг ўрнига баъзи мулоҳазаларни билдириш ўринлидир. Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Олимовнинг тадқиқотларида иймон-эътиқод тушунчалари муштарак ифодаланган. Яъни “... иймон-эътиқод инсоннинг инсонийлигини англатади. Чунончи, иймон-эътиқодли кишида ҳалоллиқ, диёнат, меҳр-оқибат, саховат, мурувват, виждон, адолат барқарор бўлади”<sup>5</sup>.

Бунинг учун биринчидан, бўлажак ўқитувчиларга эътиқод тушунчаси, унинг моҳияти ва мақсадларини сингдириш; иккинчидан, бўлажак ўқитувчиларнинг эътиқодини шакллантириш методларини тўғри танлаш; учинчидан, бўлажак ўқитувчиларнинг қалбидан чуқур жой оладиган, педагоглик касбига меҳр уйғотиш талаб этилади.

Эътиқод тушунчасининг мазмуни ўзбек ва рус тилида чоп этилган изоҳли луғатларда атрофлича тавсифланган. Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида куйидагича изоҳланган: ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак<sup>6</sup> ёки қаттиқ ишониш, дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қараш деб таърифланган.

Рус тили изоҳли луғатида маслак, иймон ва эътиқод бир (убеждения мн.) сўз билан ифодаланган<sup>7</sup>.

Тарбия соатларида буюк аجدодларимизнинг маънавий меросларидан сўзлаб бериш ҳам муҳимдир. Масалан, Муҳаммад Жабалрудийнинг Лукмони Ҳакимга бир киши, сиз бу даражага қандай эришдингиз? деган саволига “Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилиқ қилишдан” деган сатрларини келтириш ўринлидир.

Педагогика йўналишидаги педагогика тарихи, қиёсий педагогика, махсус педагогика каби фанлар интеграцияси ҳамда педагогика фанидаги гипотеза, концепция, таълимотлар ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг педагог эътиқодини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

#### **Хулоса:**

- Бўлажак ўқитувчиларнинг эътиқоди ва уни ривожлантиришда синфдан ташқари тадбирларни аҳамияти катта ва уларни тўғри ташкил этиш муҳим вазифа бўлиб қолади;
- Бўлажак ўқитувчиларнинг эътиқоди ва уни ривожлантириш масалалари олий таълим тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади;
- Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий эътиқодга маънавий-ахлоқий тарбия категориялари, педагогика йўналишидаги фанлар интеграцияси ва педагогика фанининг назарий ва методологик асослари орқали эришилади.

1. Айтматов, Чингиз. Асрга татиғулик кун. А.Рашидов таржимаси. Т.: “O`qituvchi”. НМИУ. 2018. – 368 б.

2. Олимов Ш.Ш. Маънавий-ахлоқий тарбия асослари (монография). – Т.: “Fan va texnologiya”, - 2015, 228 б.

3. Темирбекова Ж.А., Рамазонова Ф.Х. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маданияти ва уни ривожлантириш масалалари. Тюркоязычные страны.

Республиканский научно-методическая и познавательный журнал. Казахстан. Алматы № 4 (36) 2020 г. С. 8 - 10

4. Русско-узбекский словарь. Том II. УСЭ. Ташкент. 1984. 798 с.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (Э ҳарфи) “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашри. Тошкент. 2006-2008. 70 б.